

**«DORI-DARMON» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
1 – сон БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

2018 йил 02 октябр

Умумий йиғилиш ўтиш жойи: «DORI-DARMON» акциядорлик компанияси
Бош офиси, Чорсу майдони, 21.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: 09:00

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: 10:50

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: 11:00

Компаниянинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг
умумий сони - 20 072 000 дона.

АК «DORI-DARMON» акциядорларининг йиллик ҳисобот умумий йиғилиши
(келгусида матн давомида - Йиғилиш) Компания Кузатув кенгаши томонидан 2018 йил
19 сентябрда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана –
2018 йил 25 сентябр.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 58-моддаси ҳамда Компания
Уставига мувофиқ, Кузатув кенгаши раиси ёки у узрли сабабларга кўра бўлмаган
тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири акциядорлар умумий
йиғилишида раислик қилади. Бирок, Кузатув кенгаши аъзолари ушбу йиғилишда
йиғилишида раислик қилади. Бирок, Кузатув кенгаши аъзолари ушбу йиғилишда
катнашиш имконияти бўлмаганлиги сабабли, «DORI – DARMON» Акциядорлик
компаниясининг йирик акциядори, яъни 71% акция эгаси Давлат активларини
бошқариш маркази директорининг биринчи ўринбосари А.Э.Миралиев мазкур акция
эгаси сифатида қатнашаётганлигини инобатга олиб, ушбу йиғилишни очди.

А.Э.Миралиев акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, Йиғилиш
қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси О.Б.Кадыровга
берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Марказий Депозитарий томонидан 2018 йил 25 сентябр ҳолатига
шакллантирилган «DORI – DARMON» Акциядорлик компанияси акциядорлар
реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 2 537 та акциядорга тегишли 20 072
000 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти
тугаганда, умумий миқдорда 14 303 033 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 9 та
акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 71,26% ни
ташқил этади.

Шундан кейин, Раислик қилувчи А.Э.Миралиев ҳисобот умумий йиғилишини
очик деб эълон қилди ва ишчи президиум сайлаш таклифи билан акциядорларга
муружаат қилди. А.Э.Миралиев 2 (икки) кишидан иборат қуйидаги таркибда Йиғилиш
президиумини сайлашни таклиф қилди:

1. Миралиев А.Э. – Давлат активларини бошқариш маркази директорининг биринчи ўринбосари;
 2. Азимов Р.Р. – Компания бошқарув раиси в.в.б.
- Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш президиуми қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Миралиев А.Э. – Давлат активларини бошқариш маркази директорининг биринчи ўринбосари;
2. Азимов Р.Р. – Компания бошқарув раиси в.в.б.

Шундан сўнг, раислик қилувчи А.Э.Миралиев Йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб, З.З.Назаровни сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш котиби этиб, З.З.Назаров тасдиқлансин.

Шундан сўнг, Йиғилиш раиси А.Э.Миралиев сўзга чиқиб, Компания Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси аъзоларини тасдиқлашни таклиф қилди. Санок комиссиясига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

- 1) Кадыров Ойбек Батырович;
- 2) Эргашев Аббосали Юлдашевич;
- 3) Назаров Зарифжон Закирджонович.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

1. Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- 1) Кадыров Ойбек Батырович;
- 2) Эргашев Аббосали Юлдашевич;
- 3) Назаров Зарифжон Закирджонович.

Шундан кейин, раислик қилувчи А.Э.Миралиев Йиғилиш регламентини ўқиб эшиттирди ва уни тасдиқлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Э.Миралиев Йиғилиш Кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. «DORI-DARMON» АК бошқарувининг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
 2. Кузатув кенгашининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботини тинглаш.
 3. Тафтиш комиссиясининг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
 4. 2017 йил якунлари бўйича компаниянинг соф фойдасини тақсимлаш ва оддий акцияларига йиллик дивидендлар тўлаш.
 5. «DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг 2018 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
 6. «DORI-DARMON» АК кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
 7. «DORI-DARMON» АК тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш
 8. «DORI-DARMON» АК бошқарув раисини сайлаш.
 9. «DORI-DARMON» АКнинг уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни маъқуллаш ва Компания Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
 10. Компания Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш.
 11. Соф фойда тақсимоидан 2015 йил якунлари бўйича 10 980,460 млн. сўм ва 2016 йил якунлари бўйича 12 650,943 млн. сўм компания устав фондида кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган маблағларни Компания зарарлари қоплашга йўналтириш.
 12. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика муассасаларига беғараз ёрдам тариқасида дори воситаларини бериш.
- Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан Компания бошқарув раиси в.в.б. Р.Р. Азимов сўз олди ва Компаниянинг 2017 йил натижалари бўйича йиллик ҳисоботини акциядорларга тақдимот қилди (ҳисобот илова қилинади).

Йиғилиш раиси, Компания бошқарувининг йиллик ҳисоботи Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда 2017 йил 19 сентябрдаги мажлисида дастлабки тасдиқланганлигини маълум қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компания бошқарувининг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Компаниянинг 2017 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 14 297 229 та овоз, 99,959%, қабул қилинди;

Қарши – 0 та овоз;
Бетараф – 5 804 та овоз, 0,041%.

Қун тартибидаги 2-масала юзасидан Йиғилиш раиси А.Э. Миралиев сўзга чиқиб, Компания Кузатув кенгашининг 2017 йил иш фаолияти бўйича, ўтказилган мажлислар сони, қабул қилинган қарорлар ва улар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди (ҳисобот матни илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг кўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Кузатув кенгашининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 14 303 033 та овоз, 100%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

Қун тартибидаги 3-масала юзасидан Компания тафтиш комиссияси аъзоси Ў.Мухаммадиев сўзга чиқиб, Компания тафтиш комиссиясининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (Тафтиш комиссияси ҳисоботи илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг кўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Тафтиш комиссиясининг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 14 303 033 та овоз, 100%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

Қун тартибидаги 4-масала юзасидан Компаниянинг бошқарув раиси ўринбосари в.б. Н.Расулов сўзга чиқиб, 2017 йил якунлари бўйича олинган соф фойда 10 426,306 млн. сўмни ташкил этганлигини айтиб, ушбу кўрилган соф фойдани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатмасига асосан қўйидагича тақсимлашни акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этишни таклиф қилди:

соф фойданинг:

- 5,0 % ёки 521,315 млн. сўм компания уставига асосан унинг захира фондига;
- 50,05% ёки 5 218,720 млн. сўм - дивиденд тўловига (1 дона оддий акцияга 260 сўм дивиденд);
- 44,95% ёки 4 686,270 млн. сўм - компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга.

Компаниянинг 2017 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 260 (икки юз олтмиш) сўм миқдориди йиллик дивидендларни пул кўринишида тўлаш таклиф этилди.

Юридик шахсларга уларни банк ҳисоб рақамларига, жисмоний шахсларга эса – нақд пул, уларнинг банк пластик карточкаларига ва банк кассалари орқали тўлаб берилишини ва ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичида тўланиши, шунингдек дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2018 йил 12 октябрь, тугатиш санаси 2018 йил 01 декабр этиб, белгиланишини таклиф қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компаниянинг 2017 йил бўйича 10 426,306 млн. сўм миқдориди соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 5,0 % ёки 521,315 млн. сўм компания уставига асосан унинг заҳира фондига;
- 50,05% ёки 5 218,720 млн. сўм - дивиденд тўловига (1 дона оддий акцияга 260 сўм дивиденд);
- 44,95% ёки 4 686,270 млн. сўм - компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга.

2. Компаниянинг 2017 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 260 (икки юз олтмиш) сўм миқдориди йиллик дивиденд тўлансин. Дивидендлар пул кўринишида тўлансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичида тўлансин.

4. Дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2018 йил 12 октябрь, тугатиш санаси 2018 йил 01 декабр этиб, белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 14 296 107 та овоз, 99,952%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 6 926 та овоз, 0,048%.

Кун тартибидаги 5-масала юзасидан Компаниянинг бошқарув раиси ўринбосари в.б. Н.Расулов сўзга чиқиб, «DORI-DARMON» АҚнинг 2018 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тақдим қилди (илова қилинади) ва ушбу бизнес-режа бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг 2018 йил учун бизнес-режаси тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 14 297 229 та овоз, 99,959%, қабул қилинди.

Қарши – 5 804 та овоз, 0,041%.

Бетараф – 0 та овоз.

Кун тартибидаги 6-масала юзасидан Компаниянинг ривожлантириш, инвестициялар ва корпоратив бошқарув бўлими бошлиғи З.З.Назаров сўзга чиқиб, Компаниянинг йирик акциядори Давлат активларни бошқариш маркази томонидан Компания Кузатув кенгаши таркибига таклиф этилган номзодларни ўқиб эшиттирди ва улар бўйича тўлиқ ахборот берди.

№	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими
1	Шадманов Алишер Каюмович	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири
2	Икрамов Музраф Мубаракходжаевич	Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси
3	Шарипов Нажмиддинходжа Шухратович	Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раисининг 1-ўринбосари
4	Садиков Шухрат Мухамажанович	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
5	Саифназаров Сахиб Исмаилович	Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири ўринбосари
6	Пак Вячеслав Юрьевич	Молия вазири ўринбосари
7	Гадоев Эркин Файзиевич	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
8	Атаханов Баходир Алишерович	Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директори

Санок комиссияси раиси О.Б.Кадыров кумулятив овоз бериш тартибини акциядорларга тушунтирди.

Кумулятив овоз бериш натижалари:

1. *Шадманов Алишер Каюмович* – 14 398 073 та овоз, сайланди.
2. *Икрамов Музраф Мубаракходжаевич* – 14 278 537 та овоз, сайланди.
3. *Шарипов Нажмиддинходжа Шухратович* – 14 278 537, сайланди.
4. *Садиков Шухрат Мухамажанович* – 14 278 537 та овоз, сайланди.
5. *Саифназаров Сахиб Исмаилович* – 14 278 537 та овоз, сайланди.
6. *Пак Вячеслав Юрьевич* – 14 354 969 та овоз, сайланди.
7. *Гадоев Эркин Файзиевич* – 14 278 537 та овоз, сайланди.
8. *Атаханов Баходир Алишерович* – 14 278 537 та овоз, сайланди.

Кун тартибидаги 7-масала юзасидан юзасидан Компаниянинг ривожлантириш, инвестициялар ва корпоратив бошқарув бўлими бошлиғи З.З.Назаров сўзга чиқиб, Компаниянинг йирик акциядори Давлат активларни бошқариш маркази томонидан

Компания Тафтиш комиссияси таркибига таклиф этилган номзодларни ўқиб эшиттирди ва улар бўйича тўлиқ ахборот берди.

№	Номзодлар	Доимий иш жойи
1	Ибрагимов Улуғбек Рузибаевич	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи
2	Шодмонкулов Шерзод Аблакулович	Давлат ракобат қўмитаси бошқарма бошлиғи
3	Мухаммадиев Уктам Шарифович	Давлат активлари маркази бўлим бошлиғи

Санок комиссияси вакили О.Б.Кадыров овоз бериш тартибини акциядорларга тушунтирди.

Овоз бериш натижалари:

1. Ибрагимов Улуғбек Рузибаевич

Тарафдор – 14 289 436 та овоз, 99,905%, қабул қилинди;

Қарши – 5 804 та овоз, 0,041%;

Бетараф – 7 793 та овоз, 0,054%.

2. Шодмонкулов Шерзод Аблакулович

Тарафдор – 14 289 436 та овоз, 99,905%, қабул қилинди;

Қарши – 5 804 та овоз, 0,041%;

Бетараф – 7 793 та овоз, 0,054%.

3. Мухаммадиев Уктам Шарифович

Тарафдор – 14 289 436 та овоз, 99,905%, қабул қилинди;

Қарши – 5 804 та овоз, 0,041%;

Бетараф – 7 793 та овоз, 0,054%.

Кун тартибидаги 8-масала юзасидан Йиғилиш раиси А.Э.Миралиев сўзга чиқиб, «DORI-DARMON» АК Кузатув кенгаши томонидан Компания бошқарув раиси лавозимига Азимов Равшан Рустамович номзоди таклиф қилинганлигини ва ушбу масалада Давлатнинг ишончли вакили томонидан Давлат ракобат қўмитасининг Давлат активларини бошқариш марказидан ёклаб овоз бериш тўғрисида тегишли кўрсатма олинганлигини маълум қилди.

Шунингдек, 2018 йил 30 мартдан hozirgi кунга қадар Компаниянинг молиявий-иқтисодий аҳолини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларини инобатга олган ҳолда, бошқарув раиси в.в.б. Азимов Равшан Рустамовични «DORI-DARMON» акциядорлик компанияси бошқарув раиси этиб, сайлаш (акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар) масаласини акциядорлар умумий йиғилишига таклиф қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг бошқарув раиси этиб, Азимов Равшан Рустамович сайлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 14 297 229 та овоз, 99,959%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 5 804 та овоз, 0,041%.

Кул тартибидаги 9-масала юзасидан Компания корпоратив маслаҳатчиси О.Б.Кадыров сўзга чиқиб, Компания бошқарув органлари ва жорий хўжалик фаолиятига доир масалаларда уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини ва мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Компания Кузатув кенгашининг 2018 йил 19 сентябрдаги 18/7-сонли мажлисида атрофлича муҳокама қилинганлигини маълум қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарорига асосан уставга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар уставни янги таҳрирда тасдиқлаш орқали рўйхатга олиншини инобатга олиб, устав янги таҳрирда тасдиқланиши лозим.

Мазкур масала акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун хавола қилинмоқда.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

Овозга қўйилган масала:

1. «DORI-DARMON» Акциядорлик компаниясининг Устави янги таҳрирда тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 14 303 033 та овоз, 100%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз;

Бетараф – 0 та овоз.

Кул тартибидаги 10-масала юзасидан Компаниянинг ривожлантириш, инвестициялар ва корпоратив бошқарув бўлими бошлиги З.З.Назаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-бобига кўра, жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузиладиган битим тегишли жамият органи томонидан маъқулланиши лозим. Компаниянинг ҳозирги кунда 198 та аффилиланган шахси мавжуд бўлиб, шулардан 177 тасининг устав фондида «Давлат активларини бошқариш маркази» ДУКнинг 20%дан ортиқ улуши бўлган корхоналар ва тизимдаги акциядорлик ҳамда масъулияти чекланган жамиятлар ҳисобланади. Улар билан Компания кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача

бўлган даврда мустақил равишда битимни (битимларни) тузилиши акциядорлар умумий йиғилишида маъқулланиши лозим.

Шунинг учун, ушбу масала маъқуллаш учун акциядорлар умумий йиғилишига ҳавола қилинмоқда (Аффилиланган шахслар рўйхатини илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

Овозга қўйилган масала:

1. Компания Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузиши маъқуллансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 46 371 та овоз, 88,876%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 5 804 та овоз, 11,124%.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 88 – моддасига асосан ушбу масалада «Davlat aktivlarini boshqarish markazi» ДУК (14 250 858 та овоз) шитирок этмади.

*Кун тартибидаги 11-масала юзасидан Компания бошқарув раиси ўринбосари в.б. Н.Расулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармонига кўра, Компания мажбуриятлари 2 баробар ошиши (ҳозирги кунда 110,0 млрд. сўмни ташкил этади), шунингдек 1 йилдан буён товар олинмаётганлигини инобатга олиб, 2018 йил 1-ярим йиллик яқунлари бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга кўра Компания фаолияти 1-ярим йилликда **31 083 510,0 минг сўм** зарар билан яқунланганлигини ҳамда 2018 йил яқунлари бўйича ушбу кўрсаткич янада ошиши мумкинлигини маълум қилди.*

Компаниянинг соф фойда тақсимотидан 2015 йил яқунлари бўйича 10 980,460 млн. сўм ва 2016 йил яқунлари бўйича 12 650,943 млн. сўм компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган соф фойда суммасини Компания зарарлари қоплашга йўналтириш мақсадида акциядорлар умумий йиғилиш кун тартибига киритишни таклиф қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 32 моддасига асосан «Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланиши» ҳамда 75-моддасига кўра,

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш киришини инобатга олиб, ҳар йилги соф фойда тақсимотидан шакллантирилган захира фондини кўрилган зарарни қоплаш учун фойдаланишга рухсат берилишини сўраб мурожаат қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

Овозга қўйилган масала:

1. Соф фойда тақсимотидан 2015 йил якунлари бўйича 10 980,460 млн. сўм ва 2016 йил якунлари бўйича 12 650,943 млн. сўм компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган соф фойда суммасини Компания зарарларини қоплашга йўналтирилсин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 14 297 229 та овоз, 99,959%, қабул қилинди;

Қарши – 5 804 та овоз, 0,041%;

Бетараф – 0 та овоз.

Кун тартибидаги 12-масала юзасидан бошқарув раиси ўринбосари Д.Шагазатов сўзга чиқиб, «Дори-Дармон» АК омборхонаси ва дорихоналари яроқлик муддати 01.01.2019 йилга қадар бўлган умумий суммаси 2 826 383 239,66 сўм бўлган дори воситалари мавжужлиги ва улардан самарали фойдаланишни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларига беғараз ёрдам сифатида бериш мақсадга мувофиқлигини маълум қилди. Шунингдек, Компанияда ҳозирги кунда давлат улуши 71% ташкил этиши, бериладиган дори воситалари фақат давлат даволаш-профилактика муассасаларига берилишини ва ушбу орқали давлат томонидан молиялаштирилаётган ДПМларга аҳолига янада кўпроқ тиббий ёрдам кўрсатиш йўлида қўшимча тарзда ёрдам кўрсатилиши айтиб ўтди.

Шунингдек, мазкур акциядорлик йиғилишига қадар ушбу дори воситаларини имкон қадар сотилиш ишларини амалга оширилаётганлигини ва ушбу яроқлик муддати яқин дори воситаларини умумий суммаси 2 826 383 239,66 сўмга бўлган миқдорини беғараз ёрдам сифатида бериш лозимлигини маълум қилди.

Компания томонидан юқоридаги ДПМларга уларнинг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишларига берилиш масаласи Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун ҳаволалига киритилмоқда.

Муҳокамадан сўнг, қўйидаги масала овозга қўйилди:

1. Компания томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларига умумий суммаси 2 826 383 239,66 сўмгача бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларни мазкур ДПМларга уларнинг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишларига беғараз ёрдам сифатида берилишига рухсат этилсин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 14 303 033 та овоз, 100%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 0 та овоз.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгандан сўнг, Йиғилиш раиси А.Э.Миралиев бюллетенлар бўйича овоз бериб, санок комиссиясига топширишни сўради.

Овозлар санаб чиқилганидан сўнг, санок комиссияси раиси О.Б.Кадыров овоз бериш натижаларини эълон қилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари эълон қилинганидан сўнг, овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар эълон қилинди.

Акциядорлар умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. Компания бошқарувининг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Компаниянинг 2017 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

1. Кузатув кенгашининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

1. Тафтиш комиссиясининг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

1. Компаниянинг 2017 йил бўйича 10 426,306 млн. сўм миқдоридagi соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 5,0 % ёки 521,315 млн. сўм компания уставига асосан унинг захира фондига;
- 50,05% ёки 5 218,720 млн. сўм - дивиденд тўловига (1 дона оддий акцияга 260 сўм дивиденд);
- 44,95% ёки 4 686,270 млн. сўм - компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга.

2. Компаниянинг 2017 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 260 (икки юз олтимиш) сўм миқдоридa йиллик дивиденд тўлансин. Дивидендлар пул кўринишида тўлансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичида тўлансин.

4. Дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2018 йил 12 октябр, тугатиш санаси 2018 йил 01 декабр эътиб, белгилансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

1. «DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг 2018 йил учун бизнес-режаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

1. Компания Кузатув кенгаши қуйидаги таркиби Компания акциядорларининг келгусидаги йиллик умумий йиғилишигача сайлансин:

1. *Шодмонов Алишер Каюмович*
2. *Икрамов Музраф Мубаракходжаевич*
3. *Аминов Рустам Анварович*
4. *Садиков Шухрат Мухаммажанович*
5. *Саифназаров Сахиб Исмаилович*
6. *Пак Вячеслав Юрьевич*
7. *Гадоев Эркин Файзиевич*
8. *Атаханов Баходир Алишерович*

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:

1. Компания тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда Компания акциядорларининг келгусидаги йиллик умумий йиғилишигача сайлансин:

1. *Ибрагимов Улугбек Рузибаевич*
2. *Шодмонкулов Шерзод Аблакулович*
3. *Мухаммадиев Уктам Шарифович*

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:

1. «DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг бошқарув раиси эътиб, Азимов Равшан Рустамович сайлансин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:

1. «DORI-DARMON» Акциядорлик компаниясининг Устави янги таҳрирда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:

1. Компания Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларининг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузиши маъқуллансин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:

1. Соф фойда тақсимотидан 2015 йил якунлари бўйича 10 980,460 млн. сўм ва 2016 йил якунлари бўйича 12 650,943 млн. сўм компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган соф фойда суммасини Компания зарарларини қоплашга йўналтирилсин.


Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича:

1. Компания томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларига умумий суммаси 2 826 383 239,66 сўмгача бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларни мазкур ДПМларга уларнинг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишларига беғараз ёрдам сифатида берилишига руҳсат этилсин.


Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул килинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси А.Э.Миралиев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Баённома 2018 йил 12 октябрь куни икки нусхада тузилди.

Йиғилиш раиси


А.Э. Миралиев

Котиб


3.3. Назаров